

Abdullo N. G'ULOMOV,
*The teacher of specialized islamic college
named after "Sayyid Muhyiddin makhdum",
11, G'.Hakimov, Andijan*
E-mail: abulfotih1991@gmail.com

**АЛЛОҲ ТАОЛОГА МАКОН НИСБАТИНИ
БЕРИШНИНГ ХАТАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ
(ЛОМИШИЙНИНГ “ТАМҲИД” АСАРИ
МИСОЛИДА)**

**ПРЕДОСТЕРЕЖЕНИЯ ОТ
ПРИДАНИЯ ПРОСТРАНСТВЕННОГО
СООТНОШЕНИЯ К АЛЛАХУ (НА
ПРИМЕРЕ “ТАМХИДА” ЛОМИШИ)**

**THE DANGEROUS CONSEQUENCES
OF SAYING THAT ALLAH EXIST IN A
PLACE (IN THE EXAMPLE OF “TAMHID”
BY LAMISHI)**

КИРИШ

Бугунги кунда юртимизда ислом динининг маърифий асосларини, ажодларимизнинг бемисл илмий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам буюк ажодларимиз асарларини янада теран англаб етишга, ёш авлоднинг улар қолдирган ҳикматлар асосида камол топишига хизмат қилади. Фарғона диёрида туғилиб, Самарқандда фаолият юритган Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший ана шундай уламолардан бири бўлиб, у ўз даврининг факих, мутакаллим олими сифатида танилган.

Олимнинг илмий асарлари орасида “ат-Тамҳид ли қоваъид ат-тавҳид” китоби алоҳида аҳамият касб этиб, ақида илмига оид муҳим манба саналади. “Тамҳид” асари XII асрда ёзилган бўлиб, ўзида мотуридия таълимоти қарашларини акс эттирган. Асарда ақида илмининг тавҳид, Аллоҳнинг исм ва сифатлари, рисолат ва нубувват, авлиёларнинг кароматлари, ризқ, шафоат, қазо ва қадар, имон каби масалалари баён этилган.

Асардаги мавзулар орасида Аллоҳнинг

макондан беҳожатлиги масаласи алоҳида ўрин тутди. Чунки тарихда ва бугунги кунда айнан мана шу мавзунини кўтариб, мусулмонлар жамоаси орасига турли ихтилофлар солаётган тоифалар мавжуд. Қадимда мужассима, карромия, рофизия каби тоифалар томонидан нотўғри талқин қилинган мазкур мавзу бугунги кунда сохта салафийлар тарафидан ҳам тарқатилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аҳли сунна ақидасини мотуридия таълимоти асосида ёритиб бериш, ақида илмининг тавҳид, Аллоҳнинг исм ва сифатлари, имон, рисолат ва нубувват, авлиёларнинг кароматлари, ризқ, шафоат, қазо ва қадар каби масалаларини ажодлар мероси асосида баён этиш кўплаб илмий тадқиқотларни талаб этади. Ушбу тадқиқотда Аллоҳ таолонинг махлуқотларнинг сифатларидан поклиги, макон ва тараф билан сифатланмаслиги, ақидавий оятларни таъвил қилишда аҳли суннанинг тутган йўли каби масалалар таҳлилий, қиёсий ва тавсифий методлар асосида тадқиқ этилди.

“Ат-Тамҳид ли қоваъид ат-тавҳид” асарининг VII фасли “(Аллоҳ таолодан) макон ва тарафни инкор қилиш” деб номланади. Мазкур фасл аввалида Ломиший асарнинг аввалги фаслида келтирилган маълумотларга асосланиб Аллоҳнинг макон билан сифатланмаслиги масаласига тўхталиб шундай келтиради: “Аллоҳ таоло макон билан сифатланмайди. Аввал таъкидланганидек, У ва оламнинг бирор қисми ўртасида ўхшашлик йўқ. Агар У бирор маконда бўлганда, У ва макон ўртасида миқдор жиҳатдан ўхшашлик юзага келиб қолар эди. Чунки ҳар бир нарсанинг ўрни у эгаллаб турган жой миқдоричадир”. Аҳли сунна вал жамоа уламолари ҳам Аллоҳ таолони макондан беҳожатлиги ҳамда У бирор маконда ҳам, бирор тарафда ҳам эмаслигини таъкидлашган (Маҳмуд Ломиший, 2021:92).

Аллоҳ таоло ва у яратган нарсалар орасида бирор жиҳатдан ўхшашлик йўқ. Агар Аллоҳ таоло бир маконга ўрнашган бўлганида эди, Аллоҳ таоло ва макон орасида миқдорда ўхшашлик бўлиб қолар эди. Қайсидир бир маконни эгаллаб турган нарса ўзи эгаллаб турган макон миқдорига тенг бўлади. Чунки у ўша макондан ўз ҳажми миқдорчасини тўлдириб, банд қилиб туради. Банд қилинган ўша макон ва банд қилиб турувчи орасида миқдорда ўхшашлик бўлади.

Ломиший айтади: “Аллоҳ таолога макон нисбат

Аннотация: Маҳмуд Ломишийнинг “Тамҳид” асаридаги мавзулар орасида Аллоҳнинг макондан беҳожатлиги масаласи алоҳида ўрин тутди. Чунки тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам айнан мана шу мавзунини кўтариб, мусулмонлар жамоаси орасига турли ихтилофлар солаётган тоифалар мавжуд. Қадимда мужассима, карромия, рофизия каби тоифалар томонидан нотўғри талқин қилинган мазкур мавзу, бугунги кунда сохта салафийлар тарафидан илгари сурилмоқда. Мақолада дастлаб Аллоҳ таолонинг махлуқотлардан бирортасига ўхшамаслиги масаласига тўхталиб ўтилади. Сўнгра Аллоҳ таоло макондан беҳожатлиги, агар бирор маконда деб тасаввур қилинса, У ва макон ўртасида миқдор жиҳатидан ўхшашлик бўлиб қолиши, бу эса қадим Зотга муносиб келмаслиги асослаб берилган.

Аллоҳ таолонинг макондан беҳожатлиги масаласи баён қилинган, Унинг тараф ва томон билан ҳам сифатланмаслиги, олти тарафдан бири билан сифатланиши жисмларга хос хусусият эканлиги, Аллоҳ таоло эса бу сифатлардан пок ва олий экани баён қилинган. Шунингдек, мақолада сохта салафийлар далил қилган оятлар, уларнинг таъвиллари, аҳли сунна далил қилиб келтирган оятлар билан ўзаро уйғун ҳолда тушуниши зарурати ёритиб берилган. Мазкур мавзу юзасидан тарихда аҳли сунна қарашларига зид фикрларни илгари сурган тоифаларнинг ақлий далиллари, аҳли суннанинг мазкур далилларни мантиқ қонуниятлари асосида инкор қилишидаги йўли борасида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Ломиший, “ат-Тамҳид”, жисм, жавҳар, араз, макон ва тараф, аҳли сунна, ақлий далил, тафвиз, таъвил.

Аннотация: Среди тем произведения Махмуда Ломиши “Тамхид” особое место занимает вопрос о придании пространственного соотношения к Аллаху. Потому что, как и в истории, так и сегодня есть отдельные группы, которые поднимают эту тему и создают разногласия среди мусульманского сообщества. Эта тема, искажавшаяся в прошлом такими течениями, как муджассимиты, каррамиты, рафидиты, сегодня продвигается салафитами. В статье в первую очередь рассматривается вопрос непохожести Аллаха на какое-либо из его творений. Затем поясняется, что Всевышнему Аллаху нет необходимости в пространстве, и если вообразить Его находящимся в каком-либо месте, то между Ним и местом будет количественное сходство, недостойное извечного Бога.

После объяснения вопроса о том, что Аллах не нуждается в пространстве, отмечается, что Его нельзя описать сторонами и направлениями и что описание хотя бы одной из шести сторон является характеристикой физических тел, и что Бог чист и выше этих атрибутов. Также подчеркивается необходимость понимания аятов приводимых псевдо-салафитами в качестве своих доказательств, в соответствии с интерпретациями, предоставленными Ахль-Сунна в качестве доказательств. Подчеркивается необходимость понимания в гармонии со аятами, которые цитируют верующие Сунны в качестве доказательства. Также в статье подчеркивается необходимость понимания интерпретации аятов, на которые ссылаются в качестве доказательств салафиты, в том значении, как их толкует Ахль Сунна. Применительно к данной теме также приводятся рациональные доказательства отдельных групп, высказывающих мнения, противоречащие взглядам Ахль Сунны, а также методы и способы Ахль Сунны опровергать их аргументы на основе законов логики.

Ключевые слова: Ломиши, “ат-Тамхид”, тело, драгоценность, араз (акциденция), место и сторона, Ахль Сунна, рациональное доказательство, тафвиз, интерпретация.

Annotation: Among the issues of the work “Tamhid” by Mahmud Lamishi, the issue of God’s need for space occupies a special place. Because both in history and today, there are groups that raise this topic and create differences among the Muslim community. This topic, which was misinterpreted in the past by sects such as mujassima, karramiyya, rafidiyya, is being promoted today by Salafis. The article first focuses on the issue of God’s dissimilarity to any of the creatures. Then, it is explained that Allah, the Exalted, does not need a place, and if he is imagined to be in a place, there will be a similarity between Him and the place in terms of quantity, which is not worthy of God who is qadim.

After explaining the issue of God’s need for space, it was explained that He cannot be described by sides, that being described by one of the six sides is a characteristic of creatures, and that God is pure and superior to these attributes. Also, the article highlights the need to understand the verses argued by the Salafis, their interpretations, and the verses presented by Ahl al-Sunnah as evidence. In relation to this topic, the intellectual arguments of the groups who put forward opinions contrary to the views of Ahl al-Sunnah in history, and the way of the people of Sunna to deny these arguments based on the laws of logic, are also given.

Key words: Lamishi, at-Tamhid, substance (jawhar), accident (‘aradh) and body (jism), place and side, Ahl al-Sunnah, intellectual proof, tafvizi, ta’wil.

беришдан ё маконнинг қадимлиги, ё Аллоҳнинг ходислиги ҳақидаги гап келиб чиқади. Чунки Аллоҳ таоло азалдан маконда дейилса, маконнинг азалий қадимлиги келиб чиқади. Аллоҳ таоло макон йўқлигида ҳам бор эди, сўнг маконни яратди, ундан жой олди ва ҳолатини ўзгартирди, дейилса, Аллоҳ таолода аввал бўлмаган бирор маконни эгаллаш деган сифат пайдо бўлган бўлади. Ҳодисни қабул қилиш яратилганлик белгиларидан бўлиб, буни Қадим Зотга нисбатан қўллаб бўлмайди” (Маҳмуд Ломиший, 2021:92).

Бу асарда келтирилган иккинчи далил бўлиб, аввалгисидан кучли ҳисобланади. “Ақидатут-таҳовия” шарҳининг талхисиди келган қуйидаги жумла ҳам юқоридаги маънони қувватлайди: “У Зот Аршдан ҳам, ундан бошқа нарсдан ҳам беҳожатдир” (Муҳаммад Анвар Бадахшоний, 2014:208).

Аллоҳ таоло илм ва қудрат сифатлари билан сифатланади ҳамда мазкур сифатлар азалий сифатлардан ҳисобланади. Агар У бирор макон билан сифатланса, маконни азалий дейиш лозим бўлиб қолади. Бу эса нотўғри эътиқод ҳисобланади.

Ёки маконни қадим эмас, сўнгра уни яратиб ундан жой олди десак, бу бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўзгариш бўлиб қолади. Бу эса ходис(яратилган)лик белгиларидан ҳисобланади. Аллоҳга бирор ўзгаришни нисбат бериш орқали унга нуқсонни нисбат бериш келиб чиқади. Ўзгаришга учрайдиган нарсалар илоҳ бўла олмаслигига эса қуйидаги оят далил бўлади:

فَلَمَّا جَنَّ عَلَيْهِ اللَّيْلُ رَأَى كَوْكَبًا قَالَ هَذَا رَبِّي فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَا أُحِبُّ الْآفِلِينَ

«Тун зулмати уни қоплаганда юлдузни кўриб: “Мана шу - раббим”, - деди. (У) ботиб кетганда эса: “Ботиб кетувчиларни ёқтирмайман”, - деди» (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2009:137).

Мазкур ўринда Иброҳим алайҳиссалом қавмига илоҳнинг бошқа махлуқотларга ўхшамаган буюк Зотлигини оддий мисоллар билан исбот қилмоқдалар. Бу ерда юлдуз ботиб, кўздан ғойиб бўлишини далил қилиптилар. Лекин кўздан ғойиб бўлишнинг ўзи илоҳ бўла олмасликка далил бўла олмайди. Демак, бу ерда бошқа бир нарса – бор бўлишдан кейинги йўқ бўлиш, яъни ўзгариш билан далилланмоқда.

Бу борада Абу Шакур Кешийнинг “Тамҳид” асарида: “Модомики, У зотнинг ҳадди ва ниҳояси йўқ экан, остида ёки устида бўлиш

сифати билан сифатланмайди. Бу борадаги энг саҳиҳ сўз шуки, Аллоҳ таолони оламнинг яратувчиси, лекин оламнинг ичида ҳам, ундан ташқари ҳам эмас, деб айтишимиздир” дейилган (Муҳаммад Кеший, 2014:74).

МУҲОКАМА

Бугунги кунда Аллоҳ таолога макон нисбатини берувчилардан баъзилари Аллоҳга нолайиқ бўлган қуйидаги сўзларни: “Аллоҳ таоло азалда маконсиз эди. Сўнгра оламни яратишни ирода қилди ва уни остида яратди. Ўзгариш Аллоҳ таолода эмас, балки оламда юз бераяпти”, дейдилар. Бу эса жисмларнинг аломати ҳисобланади.

“Аллоҳ таолонинг муқаддас зоти олти тарафнинг бирида ҳам, бирор маконда ҳам эмас” (Kamol ibn Humot, 2006:30). Чунки паст, юқори, ўнг, чап, олд ва орқа томонлар жисмлар орасидаги алоқа бўлиб, бу ўринлар уни эгаллаб туришга боғлиқ бўлади. Чунки бирор нарсага юқори томон нисбатини бериш учун, у нарса бир ўринни эгаллаган бўлиши керак.

Бундан ташқари, “Аллоҳ таоло оламни остида яратди” деган фикрдан қуйидаги қабих маъно келиб чиқади: “Бир бўшлиқнинг борлиги фараз қилинади. Бу бўшлиқ аввало Аллоҳнинг Зотини қамраб олади, сўнгра унда олам яратиладиган миқдордаги бўш жой қолади”. Хўш, Аллоҳга нисбатан шундай гап гапирилиши мумкинми?

Ломиший айтадики: “Юқорида келтирган далилларимиздан Аллоҳ таоло оламнинг бирор томонида эмаслиги ҳам маълум бўлди. Чунки агар шундай дейилса, ё томоннинг қадимлиги, ё Аллоҳ таолонинг ходис нарсаларга ўрин бўлиб қолиши ҳақидаги гап келиб чиқади. Буларнинг барчаси улкан адашишдир”.

Агар маконни инкор қилсак, ўз-ўзидан тарафни ҳам инкор қилишимиз лозим бўлади. Чунки тараф масаласи макон масаласига тобе ҳисобланади. Маконни исбот қилсак жиҳатни ҳам исбот қиламиз. Маконни инкор қилсак, тарафни ҳам инкор қиламиз.

“Тамҳид” асарида таъкидланишича: «Яҳудийлар, мужассималар, қарромийлар ва рофизийларнинг ашаддийлари: “Аллоҳ таоло Аршдан ўрин олган”, деса, уларнинг бошқа вакиллари: “У бирор макондан ўрин олмаган, лекин юқори тарафда”, деган» (Маҳмуд Ломиший, 2021:93).

Ҳақиқатдан, бугунги кунда ҳам баъзи тоифалар худди шу гапни айтадилар. Маконда демайдилар,

лекин аршдан, осмондан ва оламдан юқорида деган иддаоларни қилишади. Натижада ҳар иккала тоифа ҳам Аллоҳ таолога тараф нисбатини берадилар.

Биринчи тоифа ўз фикрига қуйидаги оятларни далил қилиб келтиришган:

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى

(У) Арш узра “муставий” бўлмиш Раҳмондир (Абдулазиз Мансур таржимаси,, 2009:312).

وَفَوْقَ كُلِّ ذِي عِلْمٍ عَلِيمٌ

Ҳар бир илм эгаси узра (ундан) билимдонроқ (олим) бордир (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2009:244).

أَمَّا تُمْمَنُ مَنْ فِي السَّمَاءِ أَنْ يَخْسِفَ بِكُمُ الْأَرْضَ فَإِذَا هِيَ تَمُورُ

Юксакдаги Зотнинг сизларни қимирлаб турган Ерга юттиришидан омонда бўласизларми? (Усмонхон Темурхон ўғли таржимаси, 2021:562).

وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِ

У бандалари устидан ҳокимдир (Анъом сураси, 18-оят).

إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ

Ёқимли сўз Унга юксалади (Фотир сураси, 10-оят).

Шунингдек, одамларнинг дуода қўлларини осмонга кўтаришларини ҳам ўз фикрларига далил қилишган.

“Аллоҳ таолога томонни нисбат берганлар эса юқоридаги оятларнинг баъзиларини ҳамда қуйидаги ақлий далилни келтирганлар: “Бирор нарсани олти тарафдан холи дейиш, унинг йўқлигини билдиради, мавжуд нарса бирор томонда бўлиши керак, юқори тараф эса (Аллоҳга) таъйин қилишга муносиброқдир” (Маҳмуд Ломиший, 2021:93–94).

Албатта, юқоридаги ояти карималар Қуръони каримда мавжуд ва ҳеч бир мусулмон ушбу оятларнинг бирортасини инкор қилмайди, инкор қилиши мумкин ҳам эмас. Лекин ушбу оятларнинг тафсилотига киришишдан олдин Қуръонга назар солсак, баъзи бир оятларни кўрамизки, уларнинг зоҳирий маъноси Аллоҳ таоло осмонда эмаслигига

ёки фақатгина осмоннинг ўзида эмаслигига далолат қилади:

وَهُوَ الَّذِي فِي السَّمَاءِ إِلَهٌ وَفِي الْأَرْضِ إِلَهٌ

У (Аллоҳ) осмонда ҳам илоҳ, ерда ҳам илоҳдир (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2009:495).

وَهُوَ اللَّهُ فِي السَّمَاوَاتِ وَفِي الْأَرْضِ يَعْلَمُ سِرُّكُمْ وَجَهْرَكُمْ

У осмонларда ҳам, ерда ҳам Аллоҳдир. Сир тутгану ошкор қилган нарсаларингизни билур (Анъом сураси, 3-оят”).

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ

Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз (Қоф сураси, 16-оят).

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلَكِنْ لَا تُبْصِرُونَ

Биз унга сизлардан кўра яқинроқдирмиз, лекин сизлар (буни) кўрмасиз (Воқеа сураси, 85-оят).

وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ

Сизлар қаерда бўлсангиз, У сизлар билан биргадир (Ҳадид сураси, 4-оят).

مَا يَكُونُ مِنْ نَجْوَى ثَلَاثَةٍ إِلَّا هُوَ رَابِعُهُمْ وَلَا خَمْسَةٍ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ وَلَا أَدْنَى مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْثَرَ إِلَّا هُوَ مَعَهُمْ أَيْنَ مَا كَانُوا

Уч кишининг ўзаро шивирлашиб гаплашиши бўлса, албатта, уларнинг тўртинчиси Удир. Беш кишининг ҳам, албатта, олтинчиси Удир. Бундан оз бўладими ё кўп бўладими, қаерда бўлсалар ҳам, албатта, У улар билан биргадир (Мужодала сураси, 7-оят).

Ушбу келтирилган оятларнинг улар каби зоҳирига эътибор қаратамиз. Улар келтирган юқоридаги бешта оятнинг зоҳирий маънолари бўлгани каби биз келтирган олти оятнинг ҳам зоҳирий маънолари бор.

Агар “Ақида оятларида мажоз мумкин эмас”, десалар, булар ҳам ақида оятлари ҳисобланади. Буларда ҳам мажоз мумкин бўлмайди.

Агар биз келтирган оятларда “мажоз жоиз”, десалар, ваҳоланки, биз ҳам “жоиз деймиз”. Унда “Нега улар келтирган оятларда мажоз жоиз эмас”, деган ҳақли савол туғилади. Улар келтирган оятлар ва биз келтирган оятлар орасида нима фарқ бор!? Нега биз келтирган оятларда мажоз мумкин

бўладию, улар келтирган оятларда мажоз жоиз бўлмайди. Қани бу ерда мантиқ!?

“У осмонларда ҳам, ерда ҳам Аллоҳдир. Сирингизни ҳам, ошкорингизни ҳам биладир”. Ушбу оятда осмонлару ерда Аллоҳнинг зоти эмас, балки илми (назарда тутилганлиги) касд қилинганини оятнинг давомидан билиб оламиз. Оятнинг давоми бизга оятнинг аввалида нима касд қилинганини кўрсатиб беради. Осмонда бўласизми, ерда бўласизми У зот ўз илми билан сизларни билиб туради. Бугунги кундаги Аллоҳни осмонда ёки юқорида дейдиганлар ҳам шундай тафсир қилиб, “Бу оят Аллоҳнинг илми борасида келган”, дейдилар.

إِلَيْهِ يَصْعَدُ الْكَلِمُ الطَّيِّبُ

“Ёқимли сўз Унга юксалади” (Фотир сураси, 10-оят). Ушбу оятга ҳадисларда келган маънолар (фаришталар осмонга олиб чиқишлари)ни қўшиб, Аллоҳга кўтарилиур, демак Аллоҳ осмонда ёки юқорида, деб далил олишади.

Худди ушбу оятга ўхшаш оят Иброҳим алайҳиссалом қиссаларида ҳам келади. Иброҳим алайҳиссаломнинг қавми у кишини ёндирмоқчи бўлганларида, Аллоҳ нажот беради. Иброҳим алайҳиссалом қавмидан ҳижрат қилиб кетаётганларида қуйидаги оятдаги гапни айтадилар:

وَقَالَ إِنِّي ذَاهِبٌ إِلَى رَبِّي سَيَهْدِينِ

“(У олов ичидан саломат чиқди) ва деди: “Албатта, мен Раббим (буюрган тараф)га кетувчидирман. Унинг ўзи мени (тўғри йўлга) ҳидоят қилур” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2009:449).

“Раббимга борувчиман”, деб, Муқаддас ер – Фаластинга ҳижрат қилиб бордилар. Бу ўринда ҳам бирор ақлий инсон: “Аллоҳ Муқаддас ерда эди”, деб айтмайди.

Олдинги оят “Аллоҳга кўтарилиур” жумласи билан кейинги оятдаги “Аллоҳга борувчиман” жумласи бир хил маънони билдиради.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ буюрган маконга бордилар, ҳақиқий маънодаги Аллоҳнинг олдига эмас. Худди шунингдек, хуш каломлар ҳам Аллоҳ кўтарилишга буюрган маконга юксалур, ҳақиқий маънода Аллоҳнинг ўзига эмас.

Бугунги кунимиздаги Аллоҳга макон нисбатини берувчилар юқоридаги оятларда таъвил ҳам, мажоз ҳам мумкин эмас, дейдилар. Фаразан улар айтганидек: “Бу оятларда таъвил ҳам, мажоз ҳам ножоиз”, бўлсин. Демак, таъвил ҳам, мажоз ҳам

йўқ. Хўп бунга кўндик, ҳам дейлик. Лекин ўзлари айтган гапга ўзлари амал қилмай, далил келтирган оятларда таъвил қияптилар.

“Аллоҳ таолонинг: **أَمَّا أَنْتُمْ مَنْ فِي السَّمَاءِ** деган сўзи “Унинг улуҳийяти осмонда бўлган зот, зоти эмас. Худди: “Фалончи Бухоро ва Самарқанд амири”, деб айтилади, агарчи унинг зоти у иккисида бўлмаса ҳам” (Маҳмуд Ломиший, 1995:64).

Масалан, унинг ўзи ҳажда бўлса ҳам “Унинг амирлиги, ҳокимлиги Бухоро ва Самарқандда собит”, дегандек.

“Шунингдек гоҳида **فوق** (устиди, юқорида) калимаси зикр қилиниб, ундан макон жиҳатдан юқорилик ирода қилинади. Гоҳида ундан мартаба жиҳатдан юқорилик, яъни олийлик ирода қилинади. Аллоҳнинг далилларига қарама-қаршиликни йўқотиш учун мартаба жиҳатидан бўлган олийлик маъносига таъвил қилинади” (Маҳмуд Ломиший, 2021:95).

وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

“У Олий ва Буюқдир” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2009:42).

سَبِّحْ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى

“(Эй, Муҳаммад!) Энг олий зот бўлмиш Раббингизнинг исми билан тасбеҳ айтинг” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2009:591).

Аллоҳ таоло Олий Зот экани борасидаги юқоридаги оятларни ҳеч ким инкор қилмайди. Фақат, бу ердаги олийлик макон жиҳатидан эмас, балки мартаба, мақом эътиборидан бўлиб, бунга сабаб далилларнинг бир-бирига қарама-қарши эмас, балки мувофиқ бўлиши учундир.

Агар макон жиҳатидан олий десак, **لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ** “У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир”, ва **وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُوًا أَحَدٌ** “Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенги йўқдир” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 2009:604) каби оятларга ва ақлий далилларга зид келади. Мартаба, мақом жиҳатидан Олий Зот десак, юқоридаги оятларга мувофиқ бўлади. Далиллар орасида қарама-қаршилик ҳам бўлмайди. Чунки Аллоҳ таоло шу даражада Олий Зотки, унга ҳеч бир нарса тенг бўла олмайди. Бу эса оятнинг маъносини ва ақлий далилларни янада таъкидлаб келади. Яна бу далиллар мадх, мақтов кўринишида келгани ҳам таъкидланган. Аллоҳ таоло “Оятул курсий”да Ўзини мадх этган. Шунингдек, Аъло сурасида ҳам чиройли шаклда Ўзини улуғлаган:

“Олий қадар бўлган Раббинг исмини поклаб ёд эт” (Аъло сураси, 1-оят).

Бу оятлардан кўринадики, уларда ҳам мадх, ҳам улуғлаш ўрнида келмоқда. Маконда олий дейилса, бу улуғлаш бўлмайди. Чунки бир одам тоғнинг устида яшайди, бошқа бири пастда, водийда яшайди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу ўринда водий тоғнинг юқорисидан афзал ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар доим маконда юқори бўлиш, улуғлаш ҳисобланмайди.

Уларнинг юқорида келтирилган далилларида “юқори тараф” колган тарафлардан афзал экани айтилади. Албатта, ундай эмас. Чунки бу одат ва урф эътиборидан шундай. Шунинг учун бизнинг одатимиз ва урфимизда юқори афзал бўлгани учун Куръони каримни юқорига қўямиз. Лекин агар ақлга қўйиб берсангиз, ақл учун юқори ҳам, паст ҳам бир хил. Ақлнинг ҳукмида юқорини афзал дейишга ундайдиган сабаб йўқ. Лекин фаразан бир жамиятни тасаввур қилсак ва у жамиятда “юқори эмас, балки паст тараф афзал”, деган тушунча бўлса, ўша жамиятда Куръонни пастга қўйиш уни улуғлаш ҳисобланади. Бу тасаввур холос. Демокчики, юқори ёки паст тарафнинг афзаллиги қайси эътибордан қарашингизга боғлиқ. Баъзи давлатларда кўп қаватли уйларнинг юқори қавати афзал бўлса, баъзи давлатларда эса пастки қаватлар афзал ҳисобланади. Демак, бир жихати эътиборидан юзага келадиган ишларда буниси афзал деб далил олиш тўғри бўлмайди.

“Дуо вақтида қўлларни осмонга кўтаришда уларга хужжат йўқ. Чунки, намозда Каъба қибла бўлгани каби, дуода осмон қибла ҳисобланади. Икки ибодатда (бу) икки тарафга юзланиш Аллоҳ таоло Каъба ёки осмонда бўлгани учун эмас, балки у иккиси қибла бўлгани учун” (Махмуд Ломиший, 2007:109).

Нима учун дуода қўлларимизни юқорига кўтарамиз? Чунки, осмон дуонинг қибласи ҳисобланади. Худдики, намозда Каъба қибла бўлгани учун намозни Каъбага қараб ўқиганимиздек, Аллоҳнинг Зоти Каъбада бўлгани учун эмас. Шу каби дуода қўлларни осмонга кўтариш Аллоҳнинг зоти осмонда эканига далолат қилмайди (I.Şik, 2009:116-118).

“(Аллоҳдан) тарафни инкор қилишдаги бизнинг хужжатимиз айтиб ўтганларимиздир. Олти тарафни инкор қилиш мавжудлиги муайян бир тарафга боғлиқ бўлган нарсанинг йўқлигидан хабар бериш бўлади, холос. Батаҳқиқ биз зикр қилдикки: “Қудрати чексиз Борий Зот оламнинг бир тарафида бўлиши имконсиз ишдир” (Махмуд Ломиший, 2021:95).

Улар юқоридаги далилларида: “Агар бир зотдан барча тарафлар инкор қилинса, бу ўша зотнинг йўқлиги ҳисобланади”, дедилар. Яъни “Бир нарса бор-у, лекин юқорида ҳам, пастда ҳам, ўнгда ҳам, чапда ҳам, олдида ҳам, орқада ҳам эмас, дейилса. Демак, бу ўша нарсанинг йўқлиги ҳисобланади. Масалан: бир китобингиз бор. Лекин у сизга нисбатан бирор тарафда эмас. Демак, ўша китоб йўқ дегани”, дедилар.

НАТИЖА

Муаллиф уларга раддия бериб, олти тарафни инкор қилиш доим ҳам ўша нарсанинг йўқлигидан хабар бериш бўлмайди. Балки фақат биргина ҳолатда бўлиши мумкин. Яъни биз баҳс қилиб турган нарсанинг ҳақиқати, албатта, қайсидир бир тарафда бўладиган нарса бўлса ва ўша нарсадан олти тараф ҳам инкор қилинса, ўшандагина унинг йўқлигидан хабар бериш бўлади. Улар келтирган далил шу ҳолатда тўғри бўлади. Юқоридаги китоб бунга мисол бўлади. Лекин, агар бир нарса мавжуд бўлсаю, бирор тарафда бўлмайдиган сифатда бўлса, у нарсадан олти тарафни инкор қилиш унинг йўқлигини ифодаламайди. Масалан: “Фалончининг хафалиги ёки хурсандлиги унинг олдида ҳам, ортида ҳам, ўнгида ҳам, чапида ҳам, юқорисида ҳам, остида ҳам эмас”, деса тўғри бўлаверади. Бу ҳолатда “унинг хафалиги ёки хурсандлигини йўқ”, деб бўлмайди. Чунки, аразлар (сифат)нинг жисмга нисбатан алоқаси маконга боғлиқ эмас. Худди шунингдек, хурсандлик ва хафаликнинг маконга алоқаси йўқ. Агар фалончи хурсанд бўлса, унинг хурсандчилиги у билан қоим бўлади. “Хурсандлиги унинг бу тарафида”, деб айтиб бўлмайди. Агар “унинг хурсандлиги олдида, ортида, ўнгида, чапида, юқорисида, остида эмас”, десак “унинг хурсандлиги йўқ экан”, дегани бўладими? Албатта, йўқ. Чунки, хурсандлик хурсанд инсонда пайдо бўлса, бирор макон билан сифатланмайди. Хурсандлик мавжуд бўлганда биз ундан олти тарафни инкор қилсак, ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Аллоҳ таоло борасида ҳам шундай. Аллоҳ мавжуд, бор, лекин бирор макон билан сифатланмайди. Ундан олти тарафни инкор қилишимиздан Унинг мавжуд эмаслиги келиб чиқмайди. Шунинг учун Аллоҳ оламнинг юқорисида ҳам, остида ҳам, ўнгида ҳам, чапида ҳам, олдида ҳам, ортида ҳам эмас.

Шу билан бирга оламнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам эмас. Чунки ичкари ва ташқари

тарафдан бўладиган алоқалар жисмларга хос ҳисобланади. Аллоҳ таоло эса жисм эмас.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Аҳли сунна вал жамоа уламолари бир овоздан “Аллоҳ таолони бирор макон ёки тарафда”, деб эътиқод қилмасликни таъкидлаганлар. Бу билан Аллоҳнинг осмонда ёки юқоридалигига далолат қиладиган оятларнинг зоҳирий маъносини инкор қилиш эмас, балки Аллоҳни бирор макон ёки тарафда эмаслигига далолат қилувчи қатъий далилларга қарши келиб қолмаслиги олдини олиш учундир. Ваҳоланки, биз барча ояти карималарга бирдек иймон келтирамиз, бирортасини инкор қилмаймиз. Фақат, қатъий далилларга зид келиб қолмаслиги учун аввало тафвиз қиламиз, яъни Аллоҳга ҳавола қиламиз. Ёки бир-бирини инкор қилмайдиган маънода таъвил қиламиз. Бир оятни тасдиқлаш орқали бошқа бир оятни инкор қилмаймиз.

Аллоҳ таоло ва унинг махлуқотлари орасида бирор жихатдан ўхшашлик йўқ. Агар Аллоҳ таоло бир маконга ўрнашган бўлганида эди, Аллоҳ таоло ва макон орасида миқдорда ўхшашлик бўлиб қолар эди. Қайсидир бир маконни эгаллаб турган нарса ўзи эгаллаб турган макон миқдорига тенг бўлади. Чунки у ўша макондан ўз ҳажми миқдорчасини тўлдириб, банд қилиб туради. Банд қилинган ўша макон ва банд қилиб турувчи орасида миқдорда ўхшашлик бўлади. Бу далил хусусида баъзи тортишувлар бўлса ҳам, бошланғич тушунча ўлароқ далил сифатида келтириш дуруст бўлади.

Ломиший ўз асарида мавзуга оид икки далилни келтириб, уни батафсил шарҳлайди. Ундан сўнгра мавзуга доир оятларни бирма-бир тушунтириб ўтиш асносида адашган гуруҳларга раддиялар ҳам бериб боради. Улар далил сифатида кўтарган оятларни муфассирларнинг қарашлари ва оят борасидаги фикрларни тўлиқ келтириш орқали хато эканини исбот этади.

Бу бугунги кундаги мавжуд ақидавий адашган тоифаларнинг қарашларига тўғри ва асосли жавоб беришда ҳамда уларга қарши туришда муҳим аҳамият касб этади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А.Тулепов. (2013). Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тошкент: Шарқ.
2. А.Абдурахим. (2012). Эътиқод дурдоналари. Тошкент: Тошкент ислом университети.

3. Б.Тожибоев, Й.Мамарасулов. (2020). “Салафий”ларга илмий раддиялар. Тошкент: Азон китоблари.
4. А.И.Бағдодий. (1995). Ал-Фарқ байна ал-фирок. Байрут: Мактаба ал-асрия.
5. И.Бухорий. (2002). Саҳихул-Бухорий. Дамашқ: Дор ибн Касир.
6. А.И.Ҳанафий. (2016). Шарҳ ақоид ат-Таҳовия. Қоҳира: Дор ал-год ал-жадид.
7. Жалолиддин Суютий, Жалолиддин Маҳаллий. (2016). Тафсири Жалолайн. Дамашқ: Дор ибн Касир.
8. М.Ломиший. (1995). Ат-Тамҳид ли коваид ат-тавҳид. Байрут: Дор ал-ғарб ал-ислабий.
9. М.Ломиший. (2007). Ат-Тамҳид ли коваид ат-тавҳид. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
10. М.Ломиший. (2021). Ат-Тамҳид ли коваид ат-тавҳид. Истанбул: Эренлер вақфи.
11. А.Мотуридий. (2019). Китоб ат-тавҳид. . Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
12. М.Насафий. (2000). Баҳрул калом. Дамашқ: Дор ал-фарфур.
13. С.Оллоёр. (2016). Маслак ал-муттакийн. Тошкент: Гафур Фулом.
14. А.Паздавий. (2005). Усул ад-Дин. Қоҳира: Мактаба ал-азхария лит-Турок.
15. М.Қори. (2017). Зовъул маолий. Истанбул: Дор ал-байрутий.
16. М.Қори. (2019). Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар. Байрут: Дор ан-нафоис.
17. М.Қутқу. (1999). Аҳли суннат вал жамоат ақоиди. Тошкент: Мовароуннаҳр.
18. С.Оқилов. (2020). Абу Мансур ал-Мотиридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. Тошкент: Ҳилон-нашр.
19. А.Самарқандий. (1993). Баҳрул улум. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
20. С.Самарқандий. (1985). Ас-Соҳаиф ал-илаҳийя. Ар-Риёз: Мактаба ал-фаллах.
21. А.Шохин. (2001). Ал-Манҳал ал-ҳадис. Байрут: Олам ал-кутуб.
22. I.Şik. (2009). Hanefi-Maturidi Gelenegin Usulu'd-Din Anlayışı. Anqara: ASIL YAYIN DAĞITIM.
23. С.Тафтазоний. (2018). Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия. Тошкент: Мовароуннаҳр.
24. У.Уватов, Ҳ.Сайфиев. (2018). Абу Муин Насафий ҳаёти ва илмий мероси. Тошкент: Мовароуннаҳр.
25. С.Юсуф. (2011). Сунний ақидалар. Тошкент: Шарқ.
26. Р.Зоҳид. (2018). Равойиҳ ар-райҳон (Саботул ожизин шарҳи). Тошкент: Шарқ.

